



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

2024 ЙИЛГИ НАВРЎ
УМУМХАЛҚ БАЙРАМИГА
ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА
УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Она замин ва табиатга меҳр-муҳаббат, саховат ва мурувват, бунёдкорлик ва олижаноблик каби халқимизга хос эзгу фазилатлар энг қадимий байрамимиз бўлган Наврўз тимсолида асплар давомида улуғланиб, сайқал топиб келмоқда.

Айниқса, бугун, жамиятимизда инсон қадри юксалиб, бебаҳо бойлигимиз – еримиз, сувимиз ва табиатимизга, шу борадаги неча минг йиллик аънаналаримизга эътибор кучайиб бораётган Янги Ўзбекистон шариоотида бу байрамнинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамияти янада ортиб бормоқда.

Дунёда мураккаб вазият ҳукм сураётган ҳозирги таҳликали даврда Наврўзнинг буюк инсонпарварлик моҳияти, ўлмас ғоялари, одамзотни тинчлик ва дўстликни қадрлаб, узаро аҳиллик ва ҳамжихатликда яшашга, ҳаётни янада гўзал ва обод қилишга ундайдиган бунёдкорлик руҳи ва фалсафаси ер юзидagi турли халқларнинг олижаноб интилишларига ҳам ғоят уйғун ва ҳамохандир.

Ана шундай ноёб фазилатлари билан бугун ҳам эзгулик ва тараққётга хизмат қилаётган, Бирлашган Миллатлар Ташкилати томонидан халқаро байрам сифатида эътироф этилган Наврўзи оламнинг беқийс аҳамиятини ҳисобга олиб ҳамда ушбу айёмни юртимизда амалга оширишга улкан ўзгариш ва янгиланишларга мос ҳолда, ҳар томонлама юксак савияда ўтказиш мақсадида:

1. 2024 йилги Наврўз умумхалқ байрами мамлакатимизда **"Олам нурга тўсин сен билан, Наврўз!"** деган бош ғоя асосида умумхалқ сайиллари шаклида кўтаринки руҳ ва юқори даражада кенг нишонлансин.

2. 2024 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик куриш ва уни ўтказиш бўйича **ташкилий кўнита** (кейинги ўринларда – Ташкилий кўнита) тузилсин ҳамда унинг таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ташкилий кўнита (А. Арипов) **бир ҳафта мuddатда** Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказлари, барча шаҳар ва туманлар, қишлоқ ва овулларда Наврўз умумхалқ байрамини муносиб нишонлаш бўйича **ташкилий-амалий, маданий-маънавий ҳамда тарғибот тадбирлари** дастурини тасдиқласин, шунингдек, унинг амалга оширилишини таъминласин.

3. Жойларда Наврўз умумхалқ байрамининг барча тадбирларини миллий қадрият ва аънаналаримиз ҳамда замонавий таъриблар асосида юқори савияда, оммавий сайиллар шаклида ташкил этиш, уларда халқимизнинг фол иштирокини таъминлаш мақсадида кўйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратилсин:

байрам тадбирларини баҳор айёмида борлигининг уйғониши, инсон ва табиат ўртасидаги уйғунлик, она заминга меҳр ва эътиборни акс эттирадиган, юртдошларимизни бугунги тинч ва осуда ҳаётимизни қадрлаб, шукроналик туйғуси билан яшашга ундайдиган маъно-маъмур билан таъсирчан усулларда ўтказиш;

мамлакатимизда амалга оширишга улкан тўб демократик ислохотлар, халқимизнинг кундалик ҳаёти, онги ва дунёқарашига юз бераётган ижобий ўзгаришлар Наврўзнинг азалий қадрият ва аънаналарига ҳамоханг эканини намойиш этиш;

Тошкент шаҳридаги "Янги Ўзбекистон" мажмуасида алоҳида дастур асосида халқ сайилларини ташкил этиш;

бу йилги Наврўз байрами муқаддас Рамазон ойида нишонланишини инобатга олиб, кекса авлод вакиллари, хусусан, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва меҳнат fronti фахрийларини ҳар томонлама эъзозлаш, "Меҳрибонлик", "Саховат" ва "Мурувват" уйларида яшаётган шахслар, ижтимоий ҳимоя дафтарларига киритилган ҳамда кўмакка муҳтож инсонларнинг ҳолидан хабар олиш, улар учун дастурхонлар ташкил этиш ҳамда турли хайрия тадбирларини амалга ошириш;

"Яшил макон" умуммиллий лойиҳасида белгиланган тадбирларни амалга ошириш, Наврўз байрами арафасида республикамизнинг барча ҳудудларида, кўча, маҳалла, туман ва шаҳарларда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларига қаратилган умумхалқ ҳашарларини ўтказиш;

жамиятимизда ҳукм сураётган миллатлараро дўстлик ва тотувлик муҳити мустаҳкамлашга қаратилган лойиҳа ва акциялар уюштириш, юртимизда истиқомат қилаётган турли миллат ва эл вакиллари билан Наврўз байрамининг руҳи ва фалсафасига уйғун бўлган урф-одат, аънана ва қадриятларини кенг намойиш этиш;

байрам тадбирлари давомида ҳунармандчилик кўргазмалари, миллий спорт турлари бўйича мусобақаларни ўтказиш, китоб кўргазмалари, арзонлаштирилган қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари ярмаркалари, кўчма савдо дўконларини ташкил этиш, кўклам таомларини тайёрлаш ҳамда уларнинг кўргазма-савдолари ва танловларини уюштириш;

барча шаҳар ва қишлоқларда ўтказиладиган байрам тантаналарида, оммавий ахборот воситаларида Наврўз байрамининг тарихи, ҳар бир ҳудуддаги уни нишонлаш билан боғлиқ урф-одат ва аънаналарни кенг ёритиш.

4. Маданият вазирлиги (О. Назарбеков); Республика Маънавият ва маърифат маркази (О. Ҳасанов), Езувчилар уюшмаси (С. Саидов) билан биргаликда **бир ҳафта мuddатда** Тошкент шаҳрида Наврўз байраминга бағишлаб ўтказиладиган театрлаштирилган концерт томошасининг дастури ва сценарийсини ишлаб чиқсин;

мазкур концерт томошасини таърибли сценарист ва режиссёрлар, композитор ва бастакорлар, балетмейстерлар, сахна рассомлари, истеъдодли ёш ижрочилар, фольклор санъати вакиллари билан биргаликда, юқори бадиий савияда тайёрлаш чораларини кўрсин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

а) **бир ҳафта мuddатда** кўйидагиларни назарда тутувчи Наврўз умумхалқ сайилларини ўтказиш бўйича **ҳудудий чора-тадбирлар дастурларини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин**;

умумхалқ сайилларига маҳаллий фольклор гуруҳлари, бадиий ҳаваскорлик жамоалари, цирк санъати вакиллари, оилавий ансамбллар, бахшилар, шоирлар, шунингдек, профессионал ижрочилар ва истеъдодли эстрада артистларини белгиланган тартибда кенг жалб этиш;

байрам тадбирлари доирасида ҳар бир ҳудудга хос бўлган халқ уйинлари, томошалар, кўргазмалар ўтказиш, баҳорий таомлар сотиладиган очик ошоналар ташкил этиш;

б) байрам дастурларини ва оммавий томошаларни тайёрлашда, кўчалар, майдон ва хиёбонларни безатишда малакали мутахассислардан иборат ижодий гуруҳларни кенг жалб этсин;

в) барча тадбирлар жамоат хавфсизлиги талабларига қатъий риоя қилган ҳолда ўтказилишини таъминласин.

6. Белгилаб кўйилсинки, ўтказиладиган байрам тадбирлари:

Тошкент шаҳрида – республика бюджети ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетига маблағлари ҳисобидан тенг улушларда;

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда – тегишли маҳаллий бюджетлар ҳамда жойлардаги ҳомийлик хайриялари ҳисобидан қопланади.

7. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, "Дунё" ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Наврўз умумхалқ байраминга тайёргарлик куриш ва уни ўтказиш бўйича амалга ошириладиган ишларни атрофлича ёритиб бориш тавсия этилсин.

8. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Ижтимоий ривожланиш департаменти раҳбари О. Қ. Абдурахмонов зиммасига юксалинсин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ
Тошкент шаҳри,
2024 йил 4 март

ТАШРИФДАН КЕЙИНГИ ЎЙЛАР

"ҲАР БИР КУН –
БУ ИМКОНИЯТ,
ҲАР БИР КУН –
БУ ҚЕЛАЖАК
ПОЙДЕВОРИ!"

юртбошининг
бу сўзлари
хоразмликлар
шиорига
айланмоқда

Болтабой МАТҚУРБОНОВ,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Бу йил уйғониш фасли Хоразмга катта шодиёна ва бир олам қувонч билан келди. Энди бу тарихий кунни хоразмликлар узоқ йиллар эслаб юришади. Сабаби, Президентимизнинг баҳор фаслининг илк кунларида воҳага ташрифида ҳам бир рамзийлик бордек. Баҳор ўз таровати билан кўнгилларга илиқлик, табиатга ўзгача чирой олиб келса, Президентимиз вилоят иқтисодини кўтариш учун моддий қувват олиб келди.



ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИДА

Биллинг тизими билан танишилди

Рақамлаштириш барча иқтисодиёт тармоқларига жадал суръатларда кириб келмоқда. Коммунал хизмат кўрсатиш соҳаси ҳам бундан мустасно эмас. Ахборот технологиялари соҳада юқори хавфсизлик ва узлуксиз иш тизимини таъминлаш билан бир қаторда ортиқча сарф-харажатларни камайитириши билан аҳамиятлидир.

Хусусан, "Менинг уйим" биллинг тизими бошқарув органларининг ягона, очик электрон маълумотлар базасини шакллантириш, мулкдорлар маблағидан самарали ва мақсадли фойдаланишини таъминлаш, кўрсатилаётган хизматларнинг сифатини ошириш, уларнинг талаб ва меъёрларга амал қилинишини назорат қилади.

Қатор мутасадди ташкилотлар вакилларида иборат ишчи гуруҳ "Менинг уйим" биллинг тизими, унда

юрidik ва жисмоний шахслар учун яратилган имкониятлар билан танишиш мақсадида вазирликда бўлдилар. Вазир ўринбосари Озода Жўраева бошчилигидаги масулла тизимнинг қатор имкониятлари, қамров доираси ҳамда кўп қаватли уйлارга хизмат кўрсатувчи бошқарув ташкилотлари фаолиятида шаффофлик ва ҳисобдорликни кучайитиришдаги аҳамияти бўйича маълумот бериб ўтдилар.

– Коммунал соҳадаги энг катта муаммо, яъни аҳоли мулкнинг

тўғри мақсадларда сарфлишини назорат қилишининг ягона ечими рақамлаштириш эди, – деди вазир ўринбосари. – Бугунги кунда мутахассисларнинг томонидан ишлаб чиқилган тизим орқали биз барча амалиётларни кузатиб бориш имконига эгамиз. Аҳоли ҳам мажбурий бадалларини нима учун сарфланаётганини кўриб тура олади. Тизимни янада такомиллаштириш борасида иланишлар олиб бораемиз. Энг олий мақсадимиз – соҳада тўлиқ шаффофликни таъминлаш.

Шунингдек, биллинг тизими орқали бошқарув ташкилотлари фаолиятида ортиқча бюрократик тўсиқларнинг олди олинаётгани алоҳида таъкидланди. Ишчи гуруҳ аъзолари тизимни янада такомиллаштириш ва аҳоли учун қўлай платформага айлантиришда қўл келадиган тавсия ва таклифларини бериб ўтдилар.

Ярмарка ташкил этилди

Кўп қаватли уйлارга сифатли хизмат кўрсатиш аҳолининг давлатдан рози бўлиб яшашини таъминлашга хизмат қилувчи омиллардан бири саналади.

Ўз навбатида, кўрсатилган хизматлар учун бадалларни ундириш ҳам муҳим масала. Маълумот ўрнида айтиш жоизки, айни пайтда Самарқанд вилоятидаги 2214 та кўп қаватли уйга 50 га яқин бошқарув сервис компаниялари ва уй-жой мулкдорлари ширкатлари томонидан хизмат кўрсатиб келинмоқда.

Бошқарув сервис компаниялари фаолиятини янада самарали ташкил этиш мақсадида вилоят Курилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси ва Самарқанд

вилоят ва шаҳар прокуратураси билан биргаликда санат маҳсулотлари ярмаркаси ташкил этилди. Унда Самарқанд шаҳридаги кўп қаватли уйлارга хизмат кўрсатувчи бошқарув сервис компаниялари раҳбарлари иштирок этиб, 40 га яқин санат корхонаси томонидан тақдим этилган маҳсулотлар ва хизматлар билан танишилди.

Ярмаркада иштирок этган вилоят Курилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси масууллари ҳамда Самарқанд шаҳар сектор раҳбарлари санат корхоналари томонидан тақдим этилган маҳсулотлар билан танишилди. Маҳсулотларни арзон ва харидор учун мақбул нархларда етказиб бериш борасида ишлаб чиқарувчиларга қатор тавсиялар берилди. Бошқарув сервис компаниялари ва ишлаб чиқарувчилар ўртасида маҳсулотларни харид қилиш юзасидан шартномалар тузилди.

Мутахассислар –
Жанубий Кореяда

Хизмат сафари билан Жанубий Кореяда бўлиб турган Техник меъёрлаш ва стандартлаштириш илмий-тадқиқот институти мутахассислари Корея мувофиқлик лабораторияси фаолияти билан танишилди.



Лаборатория қурилиш маҳсулотларини ёнгин хавфсизлиги, энергия самардорлик, сейсмик хавфсизлик, табиий (ёмғир, қор, қуёш) таъсирларига чидамлилиги бўйича илмий ишлар олиб боради. Шунингдек, истеъмол маҳсулотларининг соғлиқ ва хавфсизлик талабларига, фотоэлектрик массивлар, электромобиллар батареялари ҳамда эшик ва ромларнинг энергия самардорлиги бўйсаткичлари бўйича синовлар ўтказилади. Шу билан бирга биотехнология ва дастурий таъминотларга оид йўналишларда тадқиқот ишларини амалга оширади.

Ташриф давомида мутахассислар сейсмик хавфсизлиги, энергия самардорлиги ва ёнгин хавфсизлиги марказларида бўлиб, тўғридан-тўғри синовларда иштирок этишди ҳамда ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди. Хусусан, синов марказларида Корея стандартларини халқаро талабларга мослаштириш ҳамда улар арафасида тафовутларни аниқлаш услублари билан танишилди. Келгусида ўзаро ҳамкорлик (мутахассислар малакасини ошириш, синов лабораторияларини ташкил этиш) масалаларида келишиб олинди.

“ҲАР БИР КУН – БУ ИМКОНИЯТ, ҲАР БИР КУН – БУ КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИ!” юртбошининг бу сўзлари хоразмликлар шиорига айланмоқда

1 бет

Бундан 6-7 йил илгари водий вилоятлари томонларга саяхатга чиқсам, ҳар гал юрагимда бир орғиқ пайдо бўларди. Чунки у ерлардаги шаҳар ва қишлоқларнинг ободлигини, йулларнинг текис ва раволигини кўриб кўнглимдан “бизнинг Хоразмга эътибор берилмаган экан-да” деган ўй ўтарди. Ҳақиқатда ҳам шундай эди.

Энди-чи, менинг ўйларим тушга айланиб бормоқда. Хоразмда етти йилда бўлган ўзгаришларни санаб санабга етиб бўлмайди. Ҳамма нарсани қилса бўлар экан. Фақат давлатимиз раҳбаридан эътибор, қуйи бўғим раҳбарларидан қарор ва фармонларни огишмай амалга ошириш, Президентимиз таъбири билан айтганда, ўзларини қийнаш ва халқимизнинг давлатдан рози бўлиши учун меҳнат қилиш кифоя.

Халқимизнинг яшаш шариоити кун сайин яхшиланиб бормоқда. Саноат, тадбиркорлик соҳалари ривожланиб бораётгани сабабли одамлар учун янги иш ўринлари пайдо бўляпти. Одамлар ишли бўлишмоқда. Уларнинг ҳаётдан розилиги ортомоқда. Одамларнинг узоқ йиллар уй-жой, тоза ичимлик суви, йўллар муаммолари қийнаб келаётгани. Эндиликда бу муаммоларга ечим топилапти. Хоразмда ер ости суви яқин, баланд иморатлар қуриш мумкин эмас, деган гаплар бугун эртатка айланди. Урганч шаҳри ва Хоразм вилояти туманларида қурилаётган осмонўпар бинолар фикримизнинг исботи. Уган 7 йил ичида вилоятда 5,7 триллион сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилиши натижасида 9 500 та хонадон аҳоли уй-жойга эга бўлди. 1916 йилда аҳолининг тоза ичимлик суви билан таъминланганлик даражаси 52,1 фоизни ташкил қилган бўлса, ҳозирда бу кўрсаткич 92,7 фоизга етди. Қанчадан-қанча мактаблар ва мактабгача таълим ташкилотлари қурилиб фойдаланишга топширилди. Олий таълим муассасаси 1 тадан 5 тага кўпайди.

Президентимизнинг бу галги ташрифида ҳам уй-жой ва маҳалла инфратузилмасини яхшилаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. 2024 йилда 119 та кўп қаватли уй қурилиб, 3,5 мингта оиланинг яшаш шариоити яхшиланади. Ҳазорасп, Шовот ва Урганч туманида “Янги Ўзбекистон” массивлари барпо этиладиган бўлди. Электр тармоқлари, подстанция ва трансформаторлари янгилаш бўйича уч йиллик дастур ишлаб чиқишлиши белгиланди. Вилоятдаги 233 километр йўл таъмирланиб, 322 та маҳалланинг ички йўллари яхшиланади. Келгуси икки йилда вилоятда тупроқ йўллар умуман қолмаслиги қайд этилди. Яроқсиз йўлларнинг ярмини шу йилни ўзида таъмирдан чиқариш, “Урганч-Шовот” йўлининг 20 километрини сақлашга хусусий секторни жалб қилиш вазифаси топширилди.

Шунингдек, вилоятдаги 233 километр йўллар “ҳажим” усулида таъмирланиши, Тупроққалъа, Ҳазорасп, Хонка ва Урганч туманидан ўтган “4Р-15Б” автомобиль йўлининг 84 километри цемент бетон қопламга ўтказилиши белгиланди. Йил якунигача Урганч ва Хива шаҳарлари ҳамда Гурлан ва Тупроққалъа туманларида оқова суви тармоғини қуриш лойиҳаси бошланади. Электр тармоқлари, подстанция ва трансформаторлари тўлиқ янгилаш бўйича уч йиллик дастур ишлаб чиқилади. Бунда, 2024 йил-

да 1 минг километр тармоқ, 10 та подстанция ва 500 та трансформаторни янгилаш кўзда тутилган.

Янги кўприк ва янги имкониятлар

Хоразмда шу пайтгача Амударё устига қурилган иккита кўприк бор эди. Биринчиси Хоразмнинг бош дарвозаси бўлмиш Ҳазорасп туманидаги поезд ва автомобиллар ўтувчи кўприк бўлса, иккинчиси Хоразмни Қорақалпоғистоннинг Беруний тумани билан боғловчи автомобиллар ўтувчи кўприк. Эндиликда кўприклар сони учта бўлди.

Амударё устидаги “Килчоқ кўприк” деб аталадиган Қорақалпоғистондаги понтон кўприк узоқ йиллар халққа хизмат қилди. Албатта, унинг хавфлилик даражаси юқори. Эскини ямагунча эсинг кетади, деганларидек, яналавериб бир ҳолга келиб қолган бу понтон кўприқдан оғир юк машиналари енгил автомобиллар бирдай ўтиб туради. Ушбу понтон кўпригининг яратилганига 90 йил бўлганини биласизми?



1934 йилда Германиянинг Франкфурт шаҳрида пўлатдан понтон кўприк ясалади. Бу кўприк 1941 йилда Шарқий Европадаги Днестр дарёсига ташланади, у ердан немис қўшинлари Собиқ Иттифоққа бостириб киради. 1943 йил советлар кўприкнинг немислар томонидан йўқ қилинишига тўсқинлик қилади. Кейинроқ ундан ўрғаниш икки қирғоғини боғлашда фойдаланилади. 1966 йилда эса Тахиятош гидроузелига, 1982 йил сентябрь ойида эса бугунги Амударё туманининг икки қирғоғини боғлаш учун Килчоқ маҳалласи ҳудудидан оқиб ўтувчи қисмига ўрнатилади. Ана шу понтон кўприк ўрнига замонавий кўприк бунёд этиш госясини Президентимиз 2020 йил 13 декабрь куни Хоразм вилояти фаоллари билан учрашувда илгари сурган эди. Шундан сўнг, пухта лойиҳа ишлаб чиқилиб, катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Ниҳоят, 2024 йилнинг 29 февралда Қорақалпоғистон Республикаси

ва Хоразм вилояти фаоллари иштирокида янги кўприкнинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

– Оролбўйи минтақасини, хусусан, Қорақалпоғистон Республикасини ривожлантириш, аввало, экологик инқироз оқибатларини юмшатиб, мураккаб вазиятда яшаётган аҳолига қўлай шароитлар яратиш мамлакатимиз тараққиёт стратегиясининг бош мақсадларидан биридир. Илгари ҳам айтганимдек, Қорақалпоғистоннинг тақдири – бу Ўзбекистоннинг тақдири, қорақалпоқ халқининг бахти ва фаровонлиги – бу бутун Ўзбекистон халқининг бахти ва фаровонлигидир. Бугун мана шу эзгу мақсадни амалга ошириш йўлида яна бир улкан қадам қўймоқдамиз, – деди Шавкат Мирзиёев тантанали маросимда.

Кўприкнинг узунлиги 423 метр. У билан бирга, Шовот – Қоразма бекатларини боғлайдиган 85 километрлик темир йўл ҳамда 3 та вокзал ҳам барпо этилди. Бу ишоот қурилиши натижасида йўлнинг ўтказиш қобилияти 4 баробарга ошиб, бир кеча-кундузда 12 минг автомобиль ҳаракатланади. Натижада 48 минг йўловчининг 2 соат вақти тежалди



нигоҳида, эртанги кунимизга ишонч, янгидан янги бунёдкорликларни яратиш госясини мужассамлигини англайман. Бу кўприк икки халқни бирлаштирувчи ишонч кўприги бўлиб қолади. Мен бунга ишонманам.

Яшил энергия – иқтисодимиз таянчи

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Хоразм вилоятига ташрифи чоғида 29 февраль куни “Voltalia” компанияси томонидан қуввати 100 мегаваттлик қуёш электр станцияси қурилишига старт берди.

Маълумки, давлатимиз томонидан қайта тикланувчи энергетикани ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиб, катта дастурлар амалга оширилмоқда. Охириги уч йилда ҳудудларда биргина қуёш ва шамол генерация қувватларини ишга тушириш учун 2 миллиард АҚШ долларидан зиёд хорижий инвестициялар жалб қилинди. Натижада Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Самарқанд, Сурхондарё вилоятларида умумий қуввати 2,6 Гигаватт бўлган 9 та йирик қуёш ва шамол электр станцияси тармоққа уланди. Яна бир муҳим жиҳати, бу лойиҳалар Саудия Арабистони, Бирлашган Араб Амирликлари, Хитой, Франция каби тараққий этган мамлакатлар билан шерикликда амалга оширилаётган. Маросимда давлатимиз раҳбари бу соҳанинг стратегик аҳамиятини қайд этди.

– Энергетика саноатида барқарорликка эришиш глобал интеграция шартинда ҳар бир давлатнинг стратегик мақсади. Айниқса, қайта тикланувчи генерациялар – замонавий тараққиётга эришиш, иқтисодий диверсификация қилишда куч-қувват бўладиган асосий “драйвер”лардан биридир, – деди Шавкат Мирзиёев.

Муқобил энергетика ҳисобига буйил республиканинг электр генерациясида “яшил энергия” улуши 15 фоизга етиши таъкидланди. 2030 йилга бориб, аҳолиси 40 миллиондан ортадиган Янги Ўзбекистон иқтисодиёти учун зарур бўлган энергиянинг

40 фоизини “яшил энергия” ҳисобидан қоплаш мақсад қилинган. Бу борада аҳоли манфаатдорлигини ошириш учун ўтган йили “Кўёшли хонадон” дастури бошланди. 14 миллиард сўм имтиёзли ресурслар ажратилиб, солиқ имтиёзлари берилди. Шунингдек, эҳтиёждан ортиқча электрни давлат томонидан кафолатли харид қилиш тизими йўлга қўйилди.

Бу ўз самарасини бера бошлади. Жумладан, Хоразмда ҳам 2 мингдан зиёд хонадон ва 855 нафар тадбиркор 15 мегаваттлик қуёш панелларини ўрнатиб, уларнинг эҳтиёжидан қўй ишлаб чиқарилган 320 минг киловатт-соат электр энергияси давлат томонидан сотиб олинди. Энди бу соҳада яна бир мажмуа – Франциянинг “Voltalia” компанияси томонидан Тупроққалъа туманида қуёш фотоэлектр станцияси қурилиши бошланмоқда. Бу Хоразмдаги илк шундай йирик лойиҳа бўлади. Унинг натижасида йилга 254 миллион киловатт соат “яшил энергия” ишлаб чиқарилади. Бу эса Хоразм вилояти йиллик электр энергияси истеъмолнинг 11 фоизини қоплайди. Ушбу станцияни йил якунигача тармоққа улаш режалаштирилган.

– Бу лойиҳа ишга тушиши билан Саримой станциясига уланиб, Ҳазорасп ва Тупроққалъа туманларида 85 минг хонадонни электр ва иссиқлик энергияси билан таъминлаш, йилга 76 миллион куб газни тежаш, янги иш ўринлари яратиш имкониятларини кенгайтиради, – деди лойиҳа бош менежери Акмал Аббасов. – Қолаверса, атмосферага 106 минг тонна зарарли моддалар чиқишининг олди олинди. Бу эса, шубҳасиз, қисқа фурсатларда аҳолининг турмуш шариоитида ўз самарасини кўрсатади.

Ҳа, биз ҳали Хоразмдаги бунёдкорликлар ва эндиликда қилинажак ишларни, янгилашни ва ободликнинг айримларини қаламга олдик. Бу ишларнинг таг замирида халқни давлатдан рози қилиш госясини мужассамлигини кўриб турибмиз. Зеро, «Юртбошимизнинг Ҳар бир кун – бу келажак пойдевори!» деган сўзлари хоразмликларнинг шиорига айланиб қолади.

НАЗОРАТ

Қурилиш объектларида рейд ўтказилди

Бехзод АҲМАДҚУЛОВ,
“O'zbekiston bunyodkori” мухбири.

Сирдарё вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси билан ҳамкорликда ноқонуний қурилиш объектларида рейд тадбирлари ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 23 ноябрдаги “Шаҳарсозлик фаолиятида рухсат бериш тартиб-таомилларини такомиллаштиришга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида”ги 619-сонли қарори қабул қилинди. Унда Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси 2024 йил 1 апрелдан ҳудудий инспекцияларда рўйхатдан ўтмасдан қурилган объектларни инструментал техник текширувдан ўтказиб, фойдаланишга рухсат бериш ишларини олиб бориши юзасидан Гулистон шаҳрининг Бўстон, Аҳиллик ва Истиклол маҳаллаларида инспекциядан рўйхатдан ўтмасдан ва Шаҳарсозлик экспертиза хулосалари мавжуд бўлмай туриб, бино қурилишини давом эттираётган объектлар ўрганилди.

Урганиш жараёнида Гулистон шаҳридаги “Бўстон” МФЙ ҳудудида пудратчи “Фрегат” МЧЖ томонидан қурилаётган 7 қаватли турар жой мажмуаси Соҳасида ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида



ҳудудий назорат қилиш инспекциясидан рўйхатдан ўтмагани, шунингдек, шаҳарсозлик экспертиза хулосалари мавжуд эмаслиги аниқланди, ҳудудий инспекция томонидан 2 мартаба оғохлантириш хати берилган.

Гулистон шаҳар “Бўстон” МФЙ ҳудудида пудратчи “Dantes construction” МЧЖ томонидан 9 қаватли турар жой мажмуаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекциясидан рўйхатдан ўтмагани ва шаҳарсозлик экспертиза хулосалари мавжуд эмаслиги аниқланган бўлиб, уларга ҳам 2 мартаба оғохлантириш хати берилган.

– Баъзи масъулиятсиз тадбиркорлик субъектлари томонидан қурилиш ишлари рухсатнома олмадан давом эттирилмоқда, – деди вилоят Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси Ноқонуний қурилиш объектлари устидан назорат бўлими бошлиғи Мусожон Қодиров. – Жорий йилнинг 1 апрелдан бошлаб,

инспекция рўйхатидан ўтмаган объектларда қурилиш ишларини олиб боришга рухсат берилмайди. Тегишли тартибда судга даъво аризаси киритилиб, ушбу объектларни ўз ҳисобидан буздириш чораси қўрилади.

Гулистон шаҳар “Истиклол” МФЙ ҳудудида фуқаро Ф. Раҳматов томонидан қурилган тўйхонанинг орқа қисмида ноқонуний равишда қурилаётган ёрдамчи бино инспекциядан рўйхатдан ўтмагани ва тегишли экспертиза хулосалари мавжуд эмаслиги аниқланган бўлиб, инспекция томонидан 2 мартаба оғохлантириш хати берилган.

– Мазкур объектда шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига амал қилишда бир қатор камчиликлар аниқланди, – деди ҳудудий инспекциянинг Қурилиш-монтаж ишлари устидан назорат бўлими етакчи инспектори Сардор Мирзакаримов. – Яъни, гишт териси ва бетон ишларида аниқланган камчиликлар бўйича қурилиш-пудрат ташкилоти раҳбарига ёзма кўрсатма берилган.



Шунингдек, Гулистон шаҳридаги “Аҳиллик” МФЙ Ўзбекистон шох кўчасида пудратчи “Аббосбек-Бекзодбек йўл” МЧЖ томонидан қурилаётган нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш биноси ҳам инспекциядан рўйхатдан ўтмагани ва экспертиза хулосалари мавжуд эмаслиги аниқланган. Ҳудудий инспекция томонидан 2023 йилда 2 мартаба оғохлантириш хати берилганига қарамадан қурувчи томонидан қурилиш ишлари давом эттирилган. 2023 йилнинг якунида

Иқтисодий судга бинони буздирилиши бўйича даъво аризаси киритилган. Шу билан бирга, Сирдарё вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси билан ҳамкорликда вилоятда тегишли ташкилотлардан рухсатнома олмаётган объектларда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида ўрганиш ишлари давом этмоқда.

Термизда янги марказ иш бошлади

Термиз шаҳрида дастурий хизматларни экспорт қилувчи ва масофадан туриб IT хизматлари кўрсатувчи марказ фойдаланишга топширилди.



Шу муносабат билан бўлиб ўтган тантанали маросимда соҳа мутасаддилари, IT парк резидентлари, компаниялар вакиллари, нурунийлар, соҳада ишлаш ва ўқиш истатида бўлган ёшлар иштирок этди.

Сурхондарё вилояти ҳокимлиги ташаббуси билан Рақамли технологиялар вазирлиги ҳамда IT парк ҳамкорлигида ташкил этилган марказда дастурий хизматларни экспорт қилиш ва масофадан туриб IT хизматлари кўрсатиш учун барча қўлайлик яратилган. Тадбир қатнашчилари марказдаги замонавий шароитлар билан яқиндан танишди, деб хабар қилади УЗА мухбири Холмўмин Маматрайимов.

Шу кунги масофавий IT хизматлар кўрсатувчи “UniCall”, “Maab Innovation” ва “Moonboys” компаниялари ўз фаолиятини бошлади.

UzBuild 2024

25 YEARS

ЯНГИ ИМКОННИЯТЛАРНИ ОЧИШДА ДАВОМ ЭТАДИ



Адҳам ЭҒАМБЕРДИЕВ, Муродбек ХАЙДАРОВ,
"O'zbekiston bunyodkori" газетаси мухбирлари.

Соҳа мутахассислари ҳар йили орзиқиб кутадиган "Қурилиш - UzBuild 2024" халқаро кўрғазмаси жорий йилнинг 27 февралдан 1 мартга қадар "ЎзэкспоМарказ" МККнинг барча павильонлари ва очик майдонида ўз экспозициясини намойиш этди. Бу йилги кўрғазманинг алоҳида аҳамияти шундаки, кўрғазма ўзининг чорак асрлик юбилейини нишонлади, эришилган ютуқ ва муваффақиятлар сарҳисоб қилинди.

Кўрғазма концепцияси қурилишдаги технология жараёнининг тўлиқ циклини фидолайди - дастлабки лойиҳалашдан тортиб то якуний пардозлашгача. Бу ишлаб чиқарувчилар ва мутахассисларга ускуналар, технологиялар ва материаллар соҳасидаги сўнгги ютуқларни самарали намойиш этиш, улар билан танишиш имкониятини беради ва сановат иштирокчилари ўртасида фаол алмашинуви осонлаштиради. Замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда, кўрғазмада "аккли уйлар", яшил технологиялар ва энергия-самарадор технологиялар ва материаллар каби қурилиш материалларини ишлаб чиқаришдаги инновацияларга алоҳида эътибор қаратилади.

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири ўринбосари Даврон Адиллов қурилиш ва бунёдкорлик соҳасидаги энг салмоқли тадбирини очиб берди.

- Халқаро миқёсдаги мазкур кўрғазма 25-юбилей тадбир эканлиги билан ҳам алоҳида аҳамиятга эга, - деди Даврон Адиллов. - Биз бугун чорак асрлик самарали ҳамкорликни сарҳисоб қилиш учун йилгидик. Утган йили мазкур кўрғазмада дунёнинг 22 мамлакатидан 350 дан ортиқ компания иштирок этган. Ушбу кўрсаткичлар ҳам тадбирнинг кўлами ва нуфузи қанчалар юксак эканлигини кўрсатади. Ишонанки, бу йилги қатнашчилар сони ва қановат географияси бунданда ортади. Замонавийлик ва хавфсизлик қурилишнинг асосий мезонларидир. Энергия-самарадор технологиялардан фойдаланиш ва қулай шаҳар муҳитини яратиш ҳам соҳадаги долзарб вазифа саналади. Ушбу кўрғазма бўлимида мазкур мавзуларга алоҳида ургу берилгани буюртмачилар, корхоналар, материаллар ва жиҳозларни ишлаб чиқарувчилар ҳамда етказиб бериувчилар учун қизиқарли бўлди.

Ҳақиқатан ҳам, бу йилги кўрғазма кўтаринки кайфиятда ўтганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Кўрғазма давомида иштирокчилар билан суҳбатлашар эканмиз, бунга яна бир бор амин бўлдик. Истеъдодли архитектор Тахмина Турдалиева ва ўз таассуротлари билан бўлишди:

- Бу йилги кўрғазмада бошқа маҳсулотларга қараганда фасад учун ишлатилган қурилиш материаллари камли-

гини кўрдик. Аслида, фасад ҳамшёрлари архитектура учун жуда муҳим ҳисобланади. Улар қанчалик хилма-хил бўлиб, ар-хитекторлардан танлов имконияти ортса, биноларнинг дизайни ҳам шунчалик чиройли бўлади. Шунингдек, декоратив материаллар ҳам жуда кам намойиш этилди. Булар меъморчилик учун катта аҳамиятга эга, айниқса, биноларнинг ташқи дизайнида.

2024 йилги иштирокчилар сони ва кўлами UzBuild нафақат республикада, балки бутун Марказий Осиёда қурилиш сановатининг №1 кўрғазма тадбири эканлигини яна бир бор тасдиқлади. Ҳозирги кўрғазма ўтган йилги кўрсаткичларидан ошиб ўтди - унинг экспозицияси 15 000 квадрат метр майдонни эгаллади. Иштирокчилар сони бўйича яна бир бор рекорд ўрнатилди - 19 мамлакатдан 450 дан ортиқ компания ва брендлар, Австрия, Ўзбекистон, Беларусь Республикаси, Германия, Грузия, Эрон, Испания, Италия, Қозғоғистон, Хитой, Корея Республикаси, Литва, Нидерландия, БАА, Польша, Россия, Туркменистон, Туркия, Ўзбекистон. Кўрғазманинг бош хомийси яна КОС Construction ва Piramit Global компаниялари бўлиб, улар Ўзбекистон, Туркия,

МДХ мамлакатлари ва Африкада лойиҳаларни амалга оширишди. Хорижий иштирокчиларнинг улуши 81 фоизни ташкил этди. Иштирокчилар сони бўйича қуйидаги хорижий мамлакатлар топ бешликни ташкил этди: Хитой, Россия, Туркия, Германия, Қозғоғистон. Миллий павильонлар таркибидан Беларусь Республикаси, Германия, Хитой, БАА ва Туркия компаниялари ўз экспозицияларини намойиш этди, Россия Федерациясининг 16 худуд делегациялари эса жамоавий стенд билан чиқиди. Туркиянинг миллий павильон форматидagi анъанавий иштироки 62 та етакчи ишлаб чиқарувчилари қурилиш, қурилиш техникаси ва технологиялари ҳамда қурилиш ва пардозлаш материаллари ва қурилиш қимёси соҳасидаги ўз янгиликларини тақдим этди.

- Хитойнинг "Kinlong" компанияси 2003 йилда ташкил этилган бўлиб, қурилиш аксессуарлари маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича хизматлар кўрсатади, - деди компаниянинг Олмаотадаги филиалида сотув менежери бўлиб фаолият юритувчи Адилбек Нурбек. - Компаниямизда 20 мингдан ортиқ турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Ушбу кўрғазмада бизнинг маҳсулотларга ҳам қизиқиш билдираётганлар бўляпти. Биз улар билан кейинчалик боғланиб, ҳамкорлик шартномаларини ҳам тузишимиз мумкин.

Дарҳақиқат, кўрғазмада Туркия ва Хитой компаниялари салмоғи ошганини кузатишимиз мумкин. Шу билан бирга, Ўзбекистондаги маҳаллий компанияларимиз ҳам кўрғазмада анча фаол қатнашди.

- Фирмаимиз маҳсулотлари деярли 10 йилдан буён маҳаллий ва хорижий бозорда мавжуд, - деди "Global Granite" фирмаси раҳбари Бекзод Мамаджонов. - Бизнинг маҳсулотларимизнинг барчаси табиий тошлардан иборат. Хитой, Эрон,

Ҳиндистон, Италия каби хорижий мамлакатлар билан ҳам ўзаро ҳамкорликлар олиб борамиз. Шу билан бирга, ҳозирда яна бир нечта хорижий компаниялар билан ҳам ҳамкорлик бўйича музокаралар ташкил этди: Хитой, Россия, Туркия, Германия, Қозғоғистон. Миллий павильонлар таркибидан Беларусь Республикаси, Германия, Хитой, БАА ва Туркия компаниялари ўз экспозицияларини намойиш этди, Россия Федерациясининг 16 худуд делегациялари эса жамоавий стенд билан чиқиди. Туркиянинг миллий павильон форматидagi анъанавий иштироки 62 та етакчи ишлаб чиқарувчи компаниялар қурилиш соҳасидаги энг янги ишланмалар ва технологияларни намойиш этишди: бетон буюмлар, силикат ғишт ва автоклав газбетондан тайёрланган буюмлар ишлаб чиқариш учун юқори самарали машиналар, йиғма темир-бетон буюмлар ишлаб чиқариш технологиялари, йўл-қурилиш техникаларининг кенг ассортименти, ер ости ишлари учун машиналар. Бундан ташқари, инновацион қурилиш ва пардозлаш материаллари ҳам тақдим этилди. Хусусан, энергетика жамғирини ўз ичига олган клинкер ғиштли плиткалар, ташқи ишлар учун совуққа чидамли плиткалар, том ўчиш материаллари ва бошқа кўплаб материаллар шулар жумласидандир.

2014 йилдан бошлаб Дубай иқтисодий ривожланиш корпорацияси (Dubai Economic Development Corporation) бошчилигида UzBuild кўрғазмасида БАА компаниялари иштирок этиб келмоқда. Бу йилги кўрғазмада 5 та компания иштирок этиб, улар тез қуриладиган бинолар учун металл тизимлар, композит панеллар, ёритиш тизимлари ва бошқа маҳсулотлар намойиш этди. Бу йил UzBuild кўрғазмасида Хитойдан рекорд миқдордаги компаниялар - 100 та компания қатнашиб, улар барча павильонларда ва кўча майдонларида ўз мамлакатининг ушбу соҳадаги улкан салоҳиятини намойиш этишди.

Ўзбекистоннинг анъанавий савдо ҳамкори - Беларусь Республикаси маҳаллий бозорда катта талабга эга бўлган 5 та асосий маҳсулот ишлаб чиқарувчи компанияларини тақдим этди. Хусусан, лифтлар, тахта материаллари ва ёғоч, ёғоч ўйи қурилиш намуналари, табиий пол қопламалари, кабел ва ўтказгич маҳсулотлари шулар жумласидандир. Россия Федерациясидан кўрғазмада 110 та компания иштирок этиб, шу жумладан, Олтой ва Красноярск ўлкалари, Владимир, Волгоград, Воронеж, Иркутск, Курган, Москва, Новосибирск, Омск, Оренбург, Псков, Ростов, Рязань ва Тюмень областларидан 16 та жамоавий стенд, шунингдек, Татаристон Республикасидан маҳаллий қурилиш сановати учун қурилиш ускуналари ва технологияларининг барча турлари намойиш этилди.

Иштирокчи компанияларнинг 60 фоизи кўрғазманинг дебютантларидир. Улар орасида Ўзбекистон, Грузия, Қозғоғистон, Туркменистон компаниялари бўлиб, бу Ўзбекистонда қурилиш бизнесига катта қизиқиш борлигидан далolat беради. Кўрғазманинг алоҳида гурури унинг доимий иштирокчиларидир. BAUER Maschinen GmbH, TEKA Maschinenbau GmbH, Elkon, RTG Rammtechnik, Progress Group каби компаниялар кўрғазмани деярли ташкил этилганидан бери қўлаб-қувватлаб келмоқда. 27 та компания эса мунтазам равишда иштирок этди. Уларнинг аксарияти бу юбилей йилида кўрғазмада иштирок этишди. UzBuild қурилиш кўрғазмаси кўплаб аҳамиятли ўзгаришлар учун муҳим туртки бўлди. Унинг дастлабки йилларида қурилиш соҳасида барқарор база йўқлиги, шунингдек, замонавий завод ва технологиялар етишмаслиги қайд этилган. Биринчи кўрғазмада иштирокчилар асосан инновацион технологиялар ва илгор ечимларни олиб келган хорижий компаниялар эди. Бугунги кунда ҳолат сезиларли даражада ўзгарди: мамлакатда кўплаб заводлар, шу жумладан, қурилиш материалларини ишлаб чиқарадиган 10,4 минг ташкилот пайдо бўлди. Айни пайтда кўрғазмада 80 та маҳаллий компания иштирок этиб, соҳани ривожлантириш ва тақомиллаштиришга кўмаклашишда давом этмоқда. Кўрғазманинг "Йулингизни муваффақият сари кураимиз" шiori Ўзбекистон учун асосий кадрларни акс эттириши билан аҳамиятлидир.

Ўзбекистонлик компаниялар стендларида қурилиш ва пардозлаш материаллари секторлари маҳсулотлари, деразалар, эшиклар, фасадлар, цемент ва бетон буюмлар, қурилиш аралашмалари, металлургия маҳсулотлари, изоляцияцион материаллар, кабел-ўтказгич маҳсулотлари, тош ва бошқа кўплаб маҳсулотлар намойиш этилди. Деярли ҳар бир стендда янги маҳсулотлар тақдимотлари ва мастер-класслар ўтказилди. Т.Б.М. компаниясининг "Кучли усул" - Деразалар (ВЕКА профилидан) - юқори ҳимоланган деразалар" мастер-класси дарси ташиф буюрувчиларга махсус томошабоплиги билан ажралиб турди. Унда компания ўз маҳсулотларининг "оддий деразалар"га нисбатан ташқи зарарли таъсирга чидамлиги, барқарорлиги, турли афзалликларини намойиш этди.

Шунингдек, мазкур кўрғазмада маҳсулотларимизга нисбатан қизиқиш ва талаб юқорилиги катта ютуқлардан бири бўлди, деб бемалол айтиш мумкин. Кўрғазманинг бизнес дастури доирасида 2024 йил 27-29 февраль кунлари Атриум 1-залида битта бизнес майдонда етакчи қурилиш компаниялари, мутахассислар ва халқаро экспертларнинг вакилларини жамлайдиган 5-юбилей Қурилиш сановати халқаро анжумани - ICCI 2024 бўлиб ўтди. Ялли ва панел сессияларида қурилиш сановатининг "Янги Тошкент" қурилиши, кўчмас мулк бозорининг ривожланиши ва тенденциялари, қурилишни рақамлаштириш ва ўзгариштириш, қурилиш материаллари сановати, Zaha Hadid Architects архитектура бюроси сессияси каби долзарб жиҳатлари кўриб чиқилди. Анжуман "Янги Тошкент" қанақа бўлади ўзи, деган саволга оидлик киритди. Анжуманда сўзга чиққан вакиллардан бирининг сўзига ҳам қулук тутди.

- Хабарингиз бор, Янги Тошкент - бу жуда катта стратегик режа, - деди "Яшил қурилиш" соҳаси мутахассиси, халқаро эксперт Темурбек Аҳмедов. - Мазкур шаҳар ҳаммаси бўлиб 2 миллион аҳоли яшаши учун мўлжалланади. Биринчи қадамда 500 минг нафар аҳоли истиқомат қилиши мумкин бўлади. Бу шаҳарда экология, атроф-муҳит, сув каби табиий жиҳатларга муҳим эътибор қаратилади. "15 минутлик шаҳар" деган бир тамойил бор. Яъни, ҳар қандай одам шаҳардан дўкон, овқатланиш каби ўзи учун зарур объектларни 15 дақиқада топа олиши керак. Шунингдек, бу янги шаҳарда жамоат транспорти ҳам яхши йўлга қўйилди. Қурилишда сифат алоҳида эътибор қаратилиб, халқаро стандартлардан фойдаланилади. Шунингдек, янги шаҳар тўлиқ қурилиб, фойдаланиш бошланса, ҳозирги Тошкент шаҳридаги инфрақурилишларда нисбатан юқламалар қамаяди.

Мухокамаларда Буюк Британия, Қозғоғистон, Россия Федерацияси, Туркия, Ўзбекистон, Бирлашган Араб Амирикларининг 20 дан ортиқ маърузачилари иштирок этди. Дунё бир жойда тўхтаб турмайди ва бугунги кунда IT технологияларнинг шиддат ҳаётнинг барча соҳаларида ўз аксини топмоқда. Кўрғазма бошланishi арафасида ташкилотчи - Itesa Exhibitions халқаро кўрғазма компанияси мамлакат кўрғазма бозорига ноёб мобил илова - Itesa Connect ишга туширилишини эълон қилди, у iOS ва Android платформаси фойдаланувчилари учун мавжуд. Фойдаланувчилар кўрғазма иштирокчилари ва ташиф буюрувчилар учун фойдали маълумотлар жойлаштирилган мобил иловадан фойдаланишининг барча афзалликларини баҳолаши мумкин. Бу ҳам сановат янгиликлари ва компанияларнинг тавсифи, ҳам уларнинг кўрғазмадаги жойлашуви чизмаси, экспозиция иш вақтлари, кўрғазмага шахсий бейджик олиш имконияти, шунингдек, соҳа мутахассислари билан доимий алоқада бўлиш имкониятидир.

Хулоса қилиб айтганимиз бўлса, халқаро "Қурилиш - UzBuild 2024" кўрғазмаси ўзаро бизнес муҳитини яратиш, ҳамкорликнинг янги босқичига чиқиш, мамлакатнинг экспорт салоҳиятини оширишда муҳим қадам эканлигини тасдиқлади. Уй-лайимизки, бу каби анъанавий анжуманлар мамлакатимиз тадбиркорлари учун янги имкониятларни очиб беради.



IQTIMOY-IQTISODIY GAZETA
ЎЗБЕКИСТОН BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Батир Закиров
(Тахрир Ҳайъати раиси),
Шерзод Хидоятлов,
Давронжон Адиллов,
Озода Жўраева,
Қозим Туляганов,
Юлдаш Мағрупов,
Жамшид Исмаилов,
Бобир Элмуродов,
Қудратбек Хошимбеков.

ТАХРИРИЯТ:

Бош муҳаррир **Дилшод Жалолов**
Бош муҳаррир ўринбосари **Райҳона Хўжаева**
Саҳифаловчи **Акмал Махкамов**
Мусахҳиҳ **Марҳамат Мусулмонқуллова**

Газета "Ўзбекистон бунёдкори" **Наширёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.**

"ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРИ" НАШИРЁТ УЙИ МЧЖ МУАССИСЛАРИ:

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирилиги,
"Ўзсановатқурилишматериаллари" уюшмаси, "ЎзАШКЛИТИ" ДУК,
"ЎзшаҳарсозлиқЛИТИ" ДУК,
"Қишлоқ қурилиш инвeст" ИК МЧЖ,
"ЎзгеорангметЛИТИ" ДУК.

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

100011, Тошкент шаҳри,
Навий кўчаси, 18-уй.
Телефонлар:
71-241-01-29 (қабулхона),
71-241-01-43 (тахририят),
71-241-01-29 (бухгалтерия),
71-208-12-00 (реклама ва обуна бўлими).
E-mail: info@uzbunyodkor.uz

ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАРНИНГ ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:

Қорақалпоғистон Республикаси: 90-658-50-43.
Андижон вилояти: 91-479-55-11.
Бухоро вилояти: 99-704-66-69.
Жиззах вилояти: 99-525-30-05.
Қашқадарь вилояти: 90-287-50-29.
Навонг вилояти: 99-731-17-40.
Наманган вилояти: 91-365-07-36.
Самарқанд вилояти: 95-560-30-45.
Сирдарё вилояти: 94-916-99-77.
Сурхондарё вилояти: 97-847-30-11.
Фарғона вилояти: 90-349-55-56.
Хоразм вилояти: 97-790-47-61.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси - 466.
Буюртма - Г-341.
1763 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми - 2 табоқ, офсет усулида босилган. Баҳоши келишилган нархда. ISSN 2181-8762.
Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" наширёт-матбаа акциядорлик компанияси маъсул.

КОРХОНА МАНЗИЛИ:

Тошкент шаҳри,
"Буюк Турон" кўчаси, 41.

Навбатчи муҳаррир - Р. Хўжаева.
Навбатчи - А. Эгамбердиев.

Ўза якуни - 21.50.
Тошхирлиди - 22.20.